МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА РЕКРЕАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Шерзод Иброимов
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Маҳмуд Болтаев
Чирчиқ давлат педагогика институти Табиий фанлар факультети ўқув ишлар бўйича декан муовини

Мақсуда Сатторова
Чирчиқ шаҳар 12-сонли мактаб география ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада табиий фанлари ўқитилишида рекреация тушунчасининг амалий қўлланилиши ва унга берилган изоҳлар келтирилган.

Калит сўзлар: туризм, экология, пансионат, минталитет

FORMATION OF THE CONCEPT OF RECREATION IN THE MIND OF SCHOOLCHILDREN

Sherzod Ibroimov
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

Mahmud Boltaev
Chirchik State Pedagogical Institute, Faculty of Natural Sciences, Deputy Dean for Academic Affairs

Maksuda Sattorova
A Geography teacher at school No. 12 in Chirchik

ABSTRACT

The article presents the practical application of the concept of recreation in the teaching of natural sciences and its interpretation.

Keywords: tourism, ecology, boarding house, mentality

КИРИШ

Ҳозирги вақтда мактаб ўқувчилари онгида рекреация тушунчасини шакллантириш бир мунча қизиқарли терминлардан биридир. Аввало *рекреация* (***rekreatsiya*** – француз тилидан олинган бўлиб – дам олиш, хордиқ чиқариш, поляк тилидан таржимада эса ***rekreacja*** – дам олиш, лотинчадан ***recreation*** – тиклаш) –бу:

1. Байрамлар, таътиллар, мактабдаги танаффуслар
2. Ўқув юртидаги дам олиш учун ажратилган ало\ида бино

3. Дам олиш , меҳнат жараёнида инсоннинг сарф қилган кучини тиклаши (Россия Энциклопедия Луғати.М.,2000, 2-жилд). Н.Ф.Реймерс (1994) бунга қўшимча тарзда инсоннинг саломатлиги ва меҳнат қобилятини тиклашши ўзининг турар жойида эмас, балки ташкил этилган ёки ташкил этилмаган туристик сафарларда ёки меҳнат таътили вақтини махсус дам олиш масканлари (санатория, дам олиш уйлари, лагер ва ҳ..к)да ўтказишини қайд этади. Муқобиллик нуқтаи назардан шундай ёндашувни тассавур этиш мумкинки, қачонки рекреация ҳар қандай фаолият, ҳар қандай вақт ва ҳар қандай ҳудуд сифатида қаралади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

АҚШ миллий туризм сиёсий тадқиқотлари маркази- “**сафар ёки сайёҳат**”, “**туризм**” ва “рекреация” терминлаларини қуйидагича изоҳлайди:

1. Сафар ёки сайёҳат- кишиларнинг ҳар қандай маош билан боғлиқ бўлган иш фаолиятлари шаклларидан ташқари ўзларининг доимий яшаш жойларидан бошқа мамлакатларга ёки ўз мамлакатларининг бошқа ҳудудларига бориши, яъни ҳаракати.
2. **Туризм**- “сафар ёки сайёҳат” терминларининг синоними.
3. **Рекреация** – кишиларнинг бўш вақтларидан онгли равишда фойдаланишни билиш фаолияти. Рекреация суст (пассив) ва фаол ёки алоҳида ва гуруҳлар кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, минталитетимиздан келиб чиққан ҳолда рекреация дейилганда, кишиларнинг дам олиши ва соғлиқларини тиклашлари мақсадида ўзларининг яшаш жойларидан чиқиб, табиатнинг сўлим гўшаларидаги масканларда соғлом турмуш тарзига амал қилган ҳолда ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини тушунмоқ лозим. Ана шу жиҳатлари билан экотуризмга ўхшаш, бир-бирига яқин, уни тўлдиради ҳамда унга асос ҳисобланади. Чунки кейинги ўн йилликларда дунё бўйича экологик туризмнинг кенг ёйилаётганлиги, ривожланаётганлиги ҳамда оммавийлашиб бораётганлиги сир эмас. Шу боис уни махсус адабиётларда:

- юмшоқ туризм;
- тоғ туризми табиий туризм, шунингдек ёввоий табиий туризм:
- яшил туризм, саргузаштли туризм, қишлоқ туризми:
- экологик ва экотуризм деб тавсифланмоқда.

НАТИЖАЛАР

Таниқли туризм назариётчилардан бири Й.Криппенферд экологик туризмни тинч ёки тинчлантирувчи туризм деб ҳам атаган ҳамда уни “ландшафт билан ҳамкорликда кўпроқ инсонларнинг жисмоний ва маънавий хордиқ чиқаришларига имкон яратиш, шунингдек маҳаллий аҳолининг узоқ вақтлар мобайнидаги қизиқишларини ҳисобга олган аҳоли жойлашуви шакллари ҳамда дам олувчилар ва ландшафт имкониятларига жавоб беришидир” деб таърифланган.

Демак, рекреация ва экологик туризмни географик тадқиқ қилишда ҳам мана шу ўхшашликлар ҳамиша назарда тутилмоғи ва эътиборда бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Аҳолининг дам олишини ҳудудий ташкил этиш масаласига илк қизиқиш 1966-1967 йилларда Москва яқинидаги Клязьма пансионатига туташ ўрмонлардан у ердаги дам олувчиларнинг нотўғри фойдалана бошлаганликларини кузатиш оқибатида эътибор берилган. Дарҳақиқат, аҳолининг бўш вақтларининг узайиши, даромадлари ва маданий даражасининг юксала бориши билан шаҳардан ташқарида дам олиш кўлами ҳам мунтазам орта борган. Маълумки, бу жараён: иқтисодиёт, социология, руҳшунослик, тиббиёт-биологик фанлар мажмуаси каби турли фанларга ҳам даҳлдордир; у географиянинг ривожланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади, қайсики ҳозирги даврда мустақил тарзда географиянинг алоҳида тармоғи – рекреация географияси фани вужудга келди. Рекреация фаолиятининг географик тадқиқотларининг илк босқичларида сезиларли эътибор дунёнинг алоҳида регионларида туризмни ривожланиш хусусиятлари, ташқи туризмнинг мамлакат тўлов қобиляти мувозанатига таъсири, туризмни аҳоли миграциясининг алоҳида шаклдаги ролига қаратилган эди. Кейинчалик туризмнинг инсон фаолиятининг бошқа тармоқлари билан алоқаларига бағишланган ишларнинг ҳам кўлами орта борди.

МУҲОКАМА

Географияда рекреация муаммоларини ҳар томонлама ўрганиш биринчилардан бўлиб собиқ иттифоқ Фанлар Академиясининг География институтининг табиий ва иқтисодий география бўлимлари жамоаси зиммасига тушди. Ўтган асрнинг 60- йилларида ўрталаридан бошлаб рекреация георафиясини ривожлантириш бўйича етакчилик М.В.ломоносов номидаги Москва давлат университетига ўтди.

Ландшафтшуносликнинг амалий жиҳатдан энг жўн сохалардан бири – шаҳардан ташқарида дам олишни ташкил этиш ёки рекреациядир (А.Г.Исаченко, 1979, 178-б.). Рекреация географиясининг тадқиқот объекти ҳудудий рекреация тизимлари (ҲРТ) ҳисобланиб, унга дам олувчилар, табиий муҳит, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва бошқарув ташкилотлари киради. (В.С.Преображенский, Ю.А.Веденин, 1971). Ҳозирда шаклланган мажмуали географик фан- рекреация географияси – кишиларнинг рекреация фаолиятларини ҳудудий ташкил этиш қонуниятлари тўғрисидаги фандир. Ҳозирги замон рекреация географиясининг асосида ижтимоий, техноген ва табиий компонентларни ўзида қамраган, мураккаб тузилишга эга бўлган тадқиқот оъекти тўғрисидаги тассавурлар ётади. Ана шулар собиқ иттифоқда ҳудудий рекреация тизимлари тўғрисидаги концепцияни яратишга сезиларли туртки бўлди.

Рекреация географиясининг тадқиқот предмети рекреация фаолияти жараёнида кишиларнинг феъл-атворидаги хусусиятлар ва бўшлиқдаги қонуниятларни ўрганиш ҳамда рекреация объектларини жойлаштириш ҳисобланади.

ХУЛОСА

Рекреация географиясининг мажмуали вазифалари (географияга таалуқли бўлмаган дам олувчиларга хизмат кўрсатувчи ташкилот ва бошқа масалаларни қамраган ҳолда) қайсики, амалий ландшафтшуносликка бевосита алоқадор бўлган геотизимларнинг рекреация салоҳиятини ҳамда уларни рекреация жиҳатдан баҳолаш ва уларга дам олувчиларнинг таъсири (рекреация юки)ни ўрганиш ҳисобланади. (А.С.Исаченко, 1979, 180-181-б.).

REFERENCES

1. География сегодня. Сборник. - М.: Знание, 1984.-128с. (Нар.Ун-т. Естесвенонаучный фак.)
2. Исаченко А. Г. География сегодня: пособие для учителей. - М.: ние, 1979,-192 с.
3. Квартальнов В. А. Туризм.-Финансы и ст\атистика, 2003.-309 с.
4. Кусков А. С., Голубева В. Л., Одинцова Т. Н. рекреционная география: учебно-методический комплекс.-М.: Флинта МПСИ, 2005. -315с.
5. Преображенский В. С. Поиск а географии.: Кн.для учителя.- рекреация.: Просвещение, 1986.-224с.

6. Преображенский В.С., Веденин Ю.А. География и отдых. –М.: Наука, 1971. - 48 с.
7. Реймерс Н.Ф. Экология. М.: Россия молодая, 1994.
8. Теоретические основы рекреационной географии.-М.: Наука. 1975.ф
9. Karamatilloevich, AL, Abduvaliyevich, MT va Kudratullayevich, XR (2020). Jomiy asarlaridagi tasavvuf va bag'rikenglikning ma'naviy aloqasi. Xalqaro ko'p tarmoqli tadqiqotlar va nashrlar jurnali (IJMRAP) , 2 (11), 1-4.
10. Xaymetmetov, RK, Madalimov, TA, & Axatov, LK (2020). Emil Dyurkgeym qarashlarida inson psixologik inqirozlari muammosi. Nuka, obrazovanie va kultura , (6), 50-56.
11. Rakhimov, A. K., Jononova, R. N., & Egamberdieva, L. N. (2020). Methodological Support Using Innovative Teaching for the Development of Natural and Scientific Outlook of Students methodological Support Using Innovative Teaching for the Development of Natural and Scientific Outlook Of Students. *International Journal of Psychological Rehabilitation*, *24*(7), 8136-8142.
12. Ramazonov, BR, Mutalov, KA, Fayziev, VB, & Koraev, SB (2020). Qoraqalpog'iston respublikasi takir va o'tloqi tuproqlarining morfogenetik xususiyatlari va biologik faolligi (chimboy tumani tuproqlari misolida) Qoraqalpog'iston Respublikasi takir va o'tloqi tuproqlarining morfogenetik xususiyatlari va biologik faolligi (chimboy tumani tuproqlari misolida) . Tanqidiy sharhlar jurnali , 7 (5), 243-249.
13. Ражабов, Ф. Т. (2014). Фермерские хозяйства Узбекистана: развитие и региональные особенности. Позиционирование России и её регионов в современном мире: общественногеографический анализ и прогноз/под ред. АГ Дружинина. Санкт-Петербург, ЦУП, 152-157.
14. Иброимов, Ш. И. Ў., & Болтаев, М. Ж. (2020). Ўзбекистон тоғ-водийларининг экотуристик имкониятлари ва улардан фойдаланиш. *Academic research in educational sciences*, (1).
15. Ibroimov, S., & Madaminova, M. (2020). Maktablarda geografiya fanini o ‘qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalarni qo ‘llash. *Academic research in educational sciences*, (1).
16. Karimovich, RA (2020). Talabalarning tabiiy va ilmiy dunyoqarashini rivojlantirish metodologiyasini takomillashtirish (Evolyutsiya doktrinasi O mavzusini o'qitish misolida). Xalqaro psixologik reabilitatsiya jurnali , 24 (2).
17. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy. Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 6(7), 130-133.

18. Ражабов, Ф. Т. (2015). Региональные особенности развития сельского хозяйства Республики Узбекистан (на примере Кашкадарьинской области). Социально-экономическая география: Вестник Ассоциации российских географов-обществоведов (АРГО), (1), 195.
19. Shernayev Akbar (2020/1/30) Abstracts of V International Scientific and Practical Conference Osaka, Japan 29-31 January 2020,189-193.
20. Zakirov, D. (2020). ECOLOGICAL EDUCATION IN PRESCHOOL INSTITUTIONS. ACTA NUUz, 1(4), 72-74.
21. Муталов, К. А., Рамазонов, Б. Р., & Закиров, Д. У. (2020). Полукустарничковая растительность Юго Западного Кызылкума Материалы международной научно-практической конференции «Охрана и рациональное использование природных ресурсов Южного Приаралья» г.